

---

## АЛИШЕР САЛИЕВ ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

Фарғона вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган Салиев Алишер Анварджанович Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Алишер Салиев 1981 йилда Марғилон шаҳрида туғилган, Фарғона политехника институтини иқтисодчи мутахассислиги билан тамомлаган.

Меҳнат фаолияти давомида Фарғона вилояти ҳокимлигида ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида турли масъул вазифаларда ишлаган. 2020-2023 йилларда Савдо-саноат палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият олиб борган. 2023 йилдан тайинловга қадар Фарғона вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-11-02 12:15:35